

БМТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ- ФАЛСАФИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Ҳасан Собиров

Тошкент давлат транспорт университети
мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада замонавий глобал жараёнлар контекстида БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларини Ўзбекистонда амалга оширишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари кўриб чиқилади. Барқарор ривожланиш концепциясининг фалсафий асослари, унинг миллий шароитга мослаштирилиши ҳамда стратегик мақсадларга эришишда маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ролига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларининг “Ўзбекистон-2030” стратегиясида акс этган миллий манфаатлар билан интеграцияси тадқиқ этилади. Барқарор ривожланиш мақсадларини муваффақиятли амалга ошириш нафақат институционал механизмларни, балки миллий қадриятлар ва умуминсоний тамойиллар асосида жамият онгини ўзгартиришни ҳам талаб этади.

Калит сўзлар: БМТ, Барқарор ривожланиш мақсадлари, Ўзбекистон-2030 стратегияси, миллий қадриятлар, маънавият, барқарор ривожланиш, глобаллашув, ижтимоий адолат.

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ МЕХАНИЗМЫ РЕАЛИЗАЦИИ ЦЕЛЕЙ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ООН В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: В статье рассматриваются социально-философские аспекты реализации целей устойчивого развития ООН в Узбекистане в контексте современных глобальных процессов. Особое внимание уделяется философским основам концепции устойчивого развития, ее адаптации к национальным условиям и роли духовно-нравственных ценностей в достижении стратегических целей. Исследуется интеграция глобальных целей устойчивого развития с национальными интересами, отраженными в Стратегии “Узбекистан-2030”. Методологическую основу составляют системный, сравнительно-исторический и аксиологический подходы. Исследование показывает, что успешная реализация целей устойчивого развития требует не только институциональных механизмов, но и

трансформации общественного сознания на основе национальных ценностей и гуманистических принципов.

Ключевые слова: ООН, цели устойчивого развития, Стратегия Узбекистан-2030, национальные ценности, духовность, устойчивое развитие, глобализация, социальная справедливость.

SOCIO-PHILOSOPHICAL ASPECTS OF IMPLEMENTING UN SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS IN UZBEKISTAN

Abstract: The article examines the socio-philosophical aspects of implementing the UN Sustainable Development Goals in Uzbekistan within the context of modern global processes. Particular attention is given to the philosophical foundations of the sustainable development concept, its adaptation to national conditions, and the role of spiritual and moral values in achieving strategic goals. The research analyzes the integration of global sustainable development objectives with national interests reflected in the "Uzbekistan-2030" Strategy. The methodological framework includes systemic, comparative-historical, and axiological approaches. The study reveals that successful implementation of sustainable development goals requires not only institutional mechanisms but also a transformation of social consciousness based on national values and humanistic principles.

Key words: UN, sustainable development goals, Uzbekistan-2030 Strategy, national values, spirituality, sustainable development, globalization, social justice.

КИРИШ

XXI аср инсоният олдида жиддий муаммоларни қўймоқда. Глобал экологик инқироз, иқтисодий тенгсизликлар ва ижтимоий низолар жамият дунёқарашида янгича тафаккурни шакллантирмоқда. Бундай шароитда барқарор ривожланиш концепцияси инсониятнинг келажагини белгиловчи стратегик йўналиш сифатида пайдо бўлди. Мазкур концепция инсон, жамият ва табиат ўртасида мувозанатни сақлаш зарурлигини ўзида намоён қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз маънавиятсиз, имонсиз, ўз миллий қадриятларимизсиз ривожланишга эриша олмаймиз”[1]. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларидан эътиборан ўз ривожланиш йўлини танлади. Мамлакатимизда БРМнинг барча йўналишлари устувор вазифа сифатида белгиланиб уни амалга ошириш бўйича изчил ислохотлар олиб борилмоқда.

2023 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон-2030” стратегияси БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бу эса мазкур

масалани ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан ўрганишни тақозо этади. Миллий қадриятлар билан глобал мақсадларни уйғунлаштириш муҳим фалсафий вазифалардан биридир.

Тадқиқот методологияси. Мақолада турли тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Тизимли таҳлил усули барқарор ривожланишни бутун бир ижтимоий-фалсафий ҳодиса сифатида кўриб чиқишга имкон берди. Қиёсий-тарихий метод концепциянинг шаклланиш босқичларини ўрганишда қўлланилди. Аксиологик ёндашув барқарор ривожланишнинг қадриятлар тизимидаги ўрнини аниқлашга хизмат қилди. Эмпирик материал сифатида БМТнинг расмий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий актларидан фойдаланилди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Барқарор ривожланиш масалалари жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан ўрганилган. Рус олими Н Моисеев инсон ва табиатнинг биргаликда ривожланиши ҳақида ёзган. У барқарор ривожланишни инсон онги ривожланишининг янги босқичи деб ҳисоблайди[2]. Олим “ноосфера” концепциясида инсон ақл идораси остида табиатни тартибга солиш зарурлигини кўрсатган.

В Вернадский ўзининг биосфера таълимотида табиатнинг барқарор ривожланиши учун илмий асосларни кўрсатиб берди[3]. Унинг фикрича, инсон фаолияти табиат қонунларига мос келиши керак. Бу ғоя барқарор ривожланишнинг экологик жиҳатларини тушунишда муҳимдир.

Ғарб олимларидан Д Медоуз ва унинг ҳамкасблари “Рим клуби” ҳисоботларида инсониятнинг ўсиш чегараларини кўрсатдилар[4]. Улар иқтисодий ўсиш чексиз бўла олмаслигини илмий далиллар билан исботлашган. Аурелио Печчеи инсон сифатларини ўзгартириш зарурлигини таъкидлаган[5].

Марказий Осиёлик олимлардан Х Барлибаев барқарор ривожланишнинг фалсафий асосларини чуқур ўрганган[6]. У инсониятнинг келажаги учун янги парадигма зарурлигини асослаган. А Урсул эса цивилизациянинг ноосфера босқичига ўтиши концепциясини ишлаб чиққан[7].

Таҳлил ва натижалар. Барқарор ривожланиш ғояси қадимдан мавжуд бўлиб, қадимги Шарқ донишмандлари табиат ва инсон уйғунлигини таъкидлашган. Конфуций ва Лао-цзы каби донишмандлар ўз қарашларида табиат билан тотувликда яшашни тарғиб қилганлар. Қадимги Юнонистонда Арасту ва Афлотун идеал давлат ҳақида фикр юритганлар. Улар адолатли жамият ғояларини илгари сурдилар.

Ўрта асрларда Марказий Осиё мутафаккирлари муҳим ҳисса қўшдилар. Абу Наср Форобий “фозил шаҳар” таълимотида камол топган жамият

тамойилларини баён қилди. Ибн Сино инсон ва табиат муносабатлари ҳақида чуқур фикрлар билдирди. Улар инсон фаровонлигини ахлоқий камолот билан боғладилар. Янги давр Европа фалсафасида Томас Мор ва Томмазо Кампанелла утопик жамият лойиҳаларини яратдилар. Жан-Жак Руссо табиий ҳолатда яшаш ғоясини илгари сурди. Бу ғоялар кейинчалик барқарор ривожланиш концепциясига асос бўлди.

XX асрда Вернадский “ноосфера” таълимотини яратди. Унинг фикрича, инсон онги табиатни бошқаришда муҳим роль ўйнайди[3]. П Шарден ва Н Моисеевлар бу ғояни ривожлантирдилар. Улар инсон фаолиятини онгли равишда тартибга солиш зарурлигини кўрсатдилар.

Замонавий шаклда барқарор ривожланиш 1972 йилда Стокгольмда бўлиб ўтган БМТ конференциясида муҳокама қилинди. Лекин асосий таъриф 1987 йилда “Умумий келажагимиз” ҳисоботида берилди. Бу ҳужжатда барқарор ривожланиш “ҳозирги авлод эҳтиёжларини келажақ авлодлар имкониятларига зарар етказмасдан қондириш” деб белгиланди[9].

Фикримизча, фалсафий нуқтаи-назаридан барқарор ривожланиш уч асосий жиҳатни ўз ичига олади. Биринчиси, ижтимоий жиҳат бўлиб, инсон капиталининг ривожланишини назарда тутди. Бу ерда ижтимоий адолат, тенглик ва инсон ҳуқуқлари каби масалалар асосий ўринни эгаллайди. Фалсафий жиҳатдан бу гуманизм ғояларининг давоми ҳисобланади.

Иккинчиси, иқтисодий жиҳат бўлиб, ресурслардан оқилона фойдаланишни кўзда тутди. Иқтисодий ўсиш шунчаки мақсад эмас, балки инсон фаровонлиги учун воситадир. Бу ерда фалсафий масала иқтисодиёт ва ижтимоий тараққиётни мувозанатлаштиришдан иборатдир.

Учинчиси, экологик жиҳат бўлиб, табиатни асраш ва экотизимларни сақлашга қаратилган. Фалсафий нуқтаи-назардан бу инсоннинг табиатдаги ўрнини қайта англашни назарда тутди. Ушбу жиҳатга кўра, антропоцентризмдан коэволюцион тафаккурга ўтиш зарур. Юқорида келтирилган уч жиҳат янги цивилизация парадигмасини шакллантиради. В Левашовнинг таъкидлашича, “Барқарор ривожланиш жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик тизимларининг гармоник интеграциясидир”[10]. Бу интеграция инсониятнинг узоқ муддат мавжудлигини таъминловчи воситадир.

2015 йилда БМТ Бош Ассамблеяси “2030 йилгача барқарор ривожланиш кун тартиби”ни қабул қилди. Бу ҳужжат 17 та глобал мақсад ва 169 вазифани белгилади[11]. Бу мақсадлар бир неча асосий тамойилларга асосланади.

Биринчи тамойил инсон қадриятларининг устуворлиги масаласидир. Мақсадларнинг кўпчилиги инсон ҳаётини яхшилашга қаратилган.

Камбағалликни тугатиш, очарчиликка барҳам бериш, соғлом ҳаёт ва сифатли таълим буларнинг барчаси инсонни эътибор марказига қўяди. Бу гуманизм фалсафасининг замонавий ифодаси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Иккинчи тамойил “ҳеч кимни ордта қолдирмаслик” тамойили бўлиб, ушбу тамойил инсонпарварлик ва адолат ғояларини акс эттиради. Жамиятнинг барча аҳоли қатламлари тараққиётдан баҳраманд бўлиши керак. Бу инклюзив ривожланиш концепциясининг асосидир.

Учинчи тамойил глобал ҳамкорлик ва интеграциядир. БМТ мақсадлари халқаро ҳамкорликни тарғиб қилади. Фалсафий жиҳатдан бу глобал онгнинг шаклланишига туртки берувчи омилдир.

Тўртинчи тамойил авлодлар ўртасидаги адолатни таъминлашдир. Барқарор ривожланиш келажак авлодларга нисбатан масъулиятни назарда тутди. Х Барлибаев бунини “темпорал адолат” деб атайди[6]. Бу фалсафий жиҳатдан тарихий вақт ва инсоният тақдири масаласидир.

Ўзбекистон 2018 йилда БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларини миллий тажрибага уйғунлаштириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилди[11]. 2023 йилда “Ўзбекистон-2030” стратегияси тасдиқланди[12]. Бу ҳужжатларда миллий ва глобал мақсадлар ўзаро уйғунлаштирилган.

Стратегиядаги асосий хусусиятлардан бири шубҳасиз инсон капиталининг марказий ўринга қўйилишидир. Стратегиянинг биринчи йўналиши “Инсон капитали ва инклюзив ижтимоий муҳитни ривожлантириш”га бағишланган. Бу инсоннинг жамият ривожланишидаги асосий роль ўйнашини кўрсатади.

Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш мамлакатимизнинг истиқболи учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу борада айрим жиҳатлар мавжудки уларни қайд этиб ўтиш жоиз. Биринчи жиҳат жамият онгини ўзгартиришдир. Фалсафий жиҳатдан истеъмолчилик тафаккуридан барқарор тафаккурга ўтишни жадаллаштириш зарур. Бу узоқ муддатли жараён бўлиб, кенг қўламли маърифий ишларни талаб этади. Иккинчи жиҳат, миллий ва умумбашарий кадриятларни уйғунлаштиришдир. Миллий ўзликни сақлаган ҳолда глобал жараёнларга интеграциялашув ўзига хос мураккаб вазифадир. Яна бир жиҳат институционал механизмларни такомиллаштиришдир. Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш учун нафақат сиёсий ирода, балки самарали тизим керак. Бу жамият бошқарувининг демократлашуви, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир.

Хулоса ва таклифлар.

Барқарор ривожланиш концепцияси инсониятнинг XXI асрдаги янги парадигмасидир. Бу парадигма инсон, жамият ва табиатнинг ўзаро уйғун ривожланишига асосланади. Ҳозирги ва келажак авлодлар манфаатларини мувозанатлаштириш унинг асосий мазмунини ташкил этади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, барқарор ривожланиш узоқ тарихий илдизларга эга. Қадимги Шарқ ва Ғарб донишмандларидан бошлаб замонавий олимларгача бу ғояни ривожлантириш доимий кун тартибида бўлиб келди. БМТнинг 17 барқарор ривожланиш мақсади глобал даражада бу концепциянинг амалий ифодасидир.

Ўзбекистон тажрибаси глобал мақсадларни миллий шароитга мослаштиришнинг намунасидир. “Ўзбекистон-2030” стратегияси миллий кадриятлар, маънавият ва замонавий тараққиётни бирлаштиради. Мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва экологик муаммоларни ҳал қилишга катта эътибор берилмоқда.

Умуман олганда, БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш инсониятнинг глобал муаммоларини ҳал қилишга қаратилган комплекс жараёндир. Ўзбекистон бу жараёнда ўз миллий хусусиятларини сақлаган ҳолда умуминсоний кадриятлар асосида изчил ҳаракат қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
2. Моисеев Н.Н. Судьба цивилизации. Путь разума. – М.: МНЭПУ, 1998. – 228 с.
3. Вернадский В.И. Биосфера. Избранные труды по биогеохимии. – М.: Мысль, 1976. – 328 с.
4. Медоуз Д.Х., Медоуз Д.Л., Рандерс Й. За пределами роста. – М.: Прогресс, 1994. – 304 с.
5. Печчеи А. Человеческие качества. – М.: Прогресс, 1980. – 302 с.
6. Барлыбаев Х.А. Путь человечества: самоуничтожение или устойчивое развитие. – М.: Государственная Дума, 2001. – 143 с.
7. Урсул А.Д., Ващекин Н.Н. Цивилизация и Россия на пути устойчивого развития. – М., 1999. – 346 с.
8. Наше общее будущее. Доклад Международной комиссии по окружающей среде и развитию / Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1989. – 376 с.
9. Левашов В.К. Устойчивое развитие общества: парадигма, модели, стратегия. – М.: Academia, 2001. – 240 с.

10. Преобразование нашего мира: Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН от 25 сентября 2015 года. [Электронный ресурс]. – URL: <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/>
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги ПҚ-3984-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш мақсадлари доирасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. [Электрон манба]. – URL: <https://lex.uz/docs/3966173>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-75-сон “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони. [Электрон манба]. – URL: <https://lex.uz/docs/6596803>